

TOMORQACHILIKNI RIVOJLANTIRISH MILLIY MARKAZI

Қарор ва ижро



ҚАЕРДА ШАРОИТ ЯХШИ БЎЛСА,

ундан максимал фойдаланиш керак

Жорий йилнинг 18 апрель куни Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси Танзила Норбоева Тошкент вилоятининг Янгийул ва Зангиота туманларида бўлди.

2

Ерниг зўри – ёшларга

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 апрелдаги қарорига асосан Тошкент вилоятида “Маҳалла еттилиги” таклифи билан ҳар бир туман бўйича ажратиладиган ер контурлари белгиланиб, деҳқончилик қилиш истаги бўлган ёшлар рўйхати шакллантирилди.



Айни кунларда ушбу ёшларга серунум, суви сероб далалардан ер майдонлари ажратилмоқда. Жумладан, Оққўрғон тумани “Ҳамид Олимжон” маҳалласи, Бўка туманидаги “Ачамайли фойз барака”, Бекобод туманидаги “Қорақўйли” маҳалласидаги ёшларга деҳқон хўжалигини юритиш учун ер майдонлари берилди.

Жараёнда маҳсулот етиштириш ва уни парваришдаги муҳим жиҳатлар, агротехник тадбирларни ўз вақтида олиб бориш юзасидан ҳам маълумотлар берилди.

Шунингдек, “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида ушбу маҳаллаларни аниқ бир йўналишга ихтисослаштириш ва ёшларни лидер тадбиркорларга бириктириш белгилаб олинди.

Вилоят ҳокимлиги
Ахборот хизмати



Семинар

МУАММОЛАР ҲАМКОРЛИКДА ЕЧИЛАДИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши котибиятида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси раислари бошчилигида шаҳар, туман Кенгаши котибият мудирилари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида видеосеминар ўтказилди.

Унда Сенатнинг “Маҳаллалардаги муаммоларни ҳал этишда Халқ депутатларининг маҳаллий Кенгаш депутатлари ва Сенаторларнинг “Маҳалла еттилиги” билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳияти атрафлича тушунтирилди.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва Сенаторларнинг “Маҳалла еттилиги” билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Яқунда иштирокчилар “Маҳалла еттилиги” билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Баҳодиржон ОЗODOV,
Халқ депутатлари вилоят
Кенгаши котибияти бош
мутахассиси

Тадбиркор аканинг номдор укалари

Интилиш



Ҳикоямиз қаҳрамони ёш бўлишига қарамай тадбиркорликда сезиларли ютуқларга эришган олмалиқлик Санжар Мадалиев. У Олмалиқ шаҳрида анчайин машҳур бўлган “Ҳасан-Хусан маркет” бренди асосчиси. Унинг фаолияти бугун тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшлар учун йўриқнома бўла олади. Суҳбатдошимиз доим муваффақиятларига ёшликдаги қийинчиликлар сабаб эканини таъкидлайди.

3

МАКТАБ: “катта танаффус”дан сўнг...



Ташаббус

Сўнгги йилларда таълимга, ўқитувчиларга эътибор ошди, олий таълимда қабул сони ва йўналишлар кўпайди. Лекин мактаблардаги сифат ҳали талаб даражасига чиққани йўқ. Масалан, 11 йил мактабда ўқиган бола чет тилини мукаммал билмайди. Шароит ва мутахассислар йўқлиги сабаб ёшларни касбларга қизиқтириш муҳити шаклланмаган. Битирувчиларнинг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келмоқда.

2023 йилнинг 20 январь куни Зангиота туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабида фаолият йўлга қўйилган ўқув-ишлаб чиқариш полигони бугун ўқувчиларнинг сеvimли масканига айланган. Бу ерда туман “Баркамол авлод” мактаби билан ҳамкорликда тасвирий санъат, гиламдўзлик, кўрпа қавиш, дурадгорлик, тикувчилик, шунингдек, IT ва веб дастурлаш, робототехника ҳамда немис тилидан тўғрақ ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 100 дан ортиқ ўқувчилар қамраб олинди. Аҳамиятлиси, гилам тўқиш тўғрагига маҳалладаги ишсиз аёллар ҳам қатнаётган экан.

2023 йилнинг 20 январь куни Зангиота туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабида фаолият йўлга қўйилган ўқув-ишлаб чиқариш полигони бугун ўқувчиларнинг сеvimли масканига айланган. Бу ерда туман “Баркамол авлод” мактаби билан ҳамкорликда тасвирий санъат, гиламдўзлик, кўрпа қавиш, дурадгорлик, тикувчилик, шунингдек, IT ва веб дастурлаш, робототехника ҳамда немис тилидан тўғрақ ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 100 дан ортиқ ўқувчилар қамраб олинди. Аҳамиятлиси, гилам тўқиш тўғрагига маҳалладаги ишсиз аёллар ҳам қатнаётган экан.

4



Янги нархларнинг ЭСКИ МАШМАШАСИ

2

– Оилада 4 фарзандимиз, – дейди Санжар Мадалиев. – Опам, мен ва эгиз укаларим. Ота-онам оддий ишчи бўлишган. Мактаб даврида синфдошлар билан қандайдир базм ташкиллаштирилса, менга пул йиғиш топшириларди. Бир кишидан бошқа ҳамма пул берарди. Уша мен эдим.

“Ставка” 8 минг сўм эди. Бу сафар баҳона иш бермаслигини тушуниб, пул топишга киришдим. Ушанда биринчи “бизнесим” – металллом йиғиб сотишни бошлаганман. 3 кунда базм учун етарли пул тўпладим. Уша вақтдаги қувончимни сўз билан таърифлаб беролмаман. Ахир, биринчи

компьютерхона очиш фикри тутилган. Ижарага жой олиб, йиққан пулларимни тикдим. Қисқа вақтда сарфлаган пулимни фойдаси билан ишлаб олдим. 2014 йилгача шу соҳадан нон топдим. Кейинчалик бундан деярли фойда келмай кўйди. Яна қайси соҳа бўйича тадбиркорлик қилиш мумкин

сан-Хусан ишларди. Атрофидагиларнинг барчаси уларни яхши таниб қолган, дўконни “Хусан-Хусан” деб айтарди. Шу-шу одамлар берган ушбу ном “бренди”мизга айланган. Ишлар юришиб кетгач дўконни кенгайттирдик. Кейинчалик бошқа ҳудудларда ҳам дўконларимизни очдик. Барча оила

ди тадбиркор. – Бу – хато танлов. Бойси, гавжум жойда машиналар тўхташи қийин, тез тирбандлик юзага келади. Бу эса харидорларга нукулайлик туғдиради. Очилган дўконларимиз жойлашган манзилга эътибор қаратсангиз, атрофи у қадар гавжум эмас, мактабдан бошқа йи

Тадбиркор аканинг номдор укалари



Оилавий шароитимиз сабаб бунга имкониятим етмасди. Лекин, йиғилган пулнинг тийинига ҳам хиёнат қилмаганман. Доим қандайдир зарур ишим чиқиб қолганини, уйдан рухсат беришмаганини баҳона қилиб, ўзимни четга олاردим. Аслида, синфдошлар билан ўтириш қилардим, деб уйдагиларга айтмасдим ҳам. Чунки уларга оғирлигим тушишни истамасдим. Бу вақтлар 9 йил иш берди. Битирув оқшоми арафасида яна пул йиғиш бошланди.

(Давом. Бошланиши 1-саҳифада)

маротаба синфдошлар даврасида ўтираётганим-да!

Бир неча йил шу иш билан шугулланиб, оиламизга озми-кўпми фойда келтирдим. Ушанда келажакда тадбиркор бўламан деб мақсад қилганман. Шу орзу йўлида топаётганимнинг бир қисmini йиға бошладим.

Мактабни ботириб, Олмалик шаҳар саноат коллежга ўқишга кирдим. 2-курс-лигимда дўстларим “Кетдик, компьютер ўйнаймиз”, деб қолишди. Борсак, тумонат одам. Бўш жой тополмай ортага қайтганмиз. Ушанда менда

лигини ўйлай бошладим. Бир кун онам овқат учун зира олиб келишимни айтдилар. Уйимиз олдидаги дўконга кирсам, топилмади. Озгина зира учун бир неча чақирим йўл босиб бозорга боришга эриндим. Ушанда дўкон очиш фикри туғилди. Унда харидорлар учун қулайлик яратиш мақсадида турли зирavorлар-у, рўзгорлик учун зарур барча маҳсулотлар сотувини йўлга қўйдик.

Бу янгиликни Олмаликқа биринчи биз олиб кирганмиз. Дастлаб, кичкина дўкон очиб, фаолиятимизни бошладик. Сотувда эгизак укаларим Ха-

аъзоларимни шу соҳага жалб қилдим. Бугунги кунда Олмалик бўйлаб “Хусан-Хусан маркет” номи остида фаолият юритаётган дўконлар сони 10 тага етган.

Жорий йил 34 ёшни қаршилайдиган тадбиркорнинг фаолияти ортидан 120 нафарга яқин инсонларнинг қора қозони қайнаб турибди. Бундан ташқари, уйда ишлашни хоҳловчи аёлларга чуқура буюртма қилинади. Уларга барча маҳсулотлар етказиб берилади. Тайёр чуқваранинг килограми 30 минг сўмдан сотиб олинади. Махсус текширувдан сўнг, улар қадоқланиб, сотув расталарига жойлаштирилади. Қарабсизки, аҳоли қўшимча даромадга, тадбиркор эса сифатли маҳсулотга эга бўлади.

Санжар Мадалиев тадбиркорликнинг ривожланиши учун, аввало, “локация” муҳимлигини таъкидлади.

– Кўпчилик одам гавжум жойларда тадбиркорлик қилишни афзал кўради, – дей-

рик ташкилот йўқлигига гувоҳ бўласиз. Баъзи дўконларимиз фақат кечқурун гавжум бўлади. Масалан, “Олмалик кон-металлургия комбинати” ходимлари доимий мижозларимиздан. Улар тун ярмида ишдан чиқиб, тўғри дўконимизга келишади. Билишадики, бизники кеч бўлганда ҳам ёпилмайди кам сонли дўконлардан.

Тадбиркорнинг келгусидаги мақсадлари улкан. У дўконлар тармоғини вилоят бўйлаб оммалаштиришни, аҳоли талабларини ўрганиб, қўшимча йўналишлар эвазига янги иш ўринлари яратишни мақсад қилган. Шунингдек, ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчи.

Бу йўлда тадбиркорга омад ва зафарлар тилаймиз. Зеро, юртимизда тадбиркорлар учун имкониятлар эшиги ҳаммиса очилди.

Суҳробжон САДИРОВ,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Жалололдин ЭСОНОВ
олган суратлар

Тадбир Жамият ривожи – қонун устуворлиги



Нурафшон шаҳрида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузурдаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузурдаги нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан “Жамият ривожи – қонун устуворлиги” мавзусида 2024 йилда эълон қилинган давлат гранти бўйича келиб тушган лойиҳалар кўриб чиқилди.

Мавзу доирасида 9 та йўналишда давлат грантлари эълон қилинган бўлиб, 12 та нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан лойиҳалар келиб тушди. Улар орасидан Оққўрғон туманининг “Султонобод”, Оҳангарон туманининг “Увак”, Нурафшон шаҳрининг “Хуррият”, Янгиуул туманининг “Нихол” маҳаллаларига ҳамда Қибрай туманидан “Қибрай садоси” газетаси, Ўрта Чирчиқ тумани “Корейс” маданият маркази, вилоят “Тадбиркор аёл” халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси, Ўзбекистон Ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциациясининг Пискент тумани бўлими, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Пискент тумани бўлимига фолиблик насиб этди. Лойиҳаларнинг 1 тасига 100 миллион сўм ва 8 тасига 50 миллион сўмдан ажратилди.

Қамолiddин ҚАРИМОВ,
Жамоат фонди директори

“BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI” МЧК Таъсисчиликнинг 2024 йил 1 апрелдаги 9-сонли қарорига асосан “BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI BEK BARAKA FILIALI” бошқа жойга кўчирилгани ва филиал номи “BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI YANGIHAYOT FILIALI” деб ўзгартирилганини маълум қилади.

Янги манзил: Тошкент шаҳри, Янгиҳаёт тумани, Қўрғонтепа кўчаси, 1-А уй, 24-ноҳадон.

Эълонлар

ТАБИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АҲОЛИ ВА УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги 204-сон қарорига 1-ИЛОВАДАН КЎЧИРМА

2024-2025 йилларда ёқилғи-энергетика ресурслари нархларининг босқичма-босқич ўзгариш ГРАФИГИ

Т/р	Истеъмолчилар номи	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун нархлар (ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда, сўм)			
			2024 йил 1 майдан	2024 йил 1 июндан	2025 йил 1 апрелдан	2025 йил 1 апрелдан
II.	Табиий газ					
2.1.	Барча истеъмолчилар учун (2.2. – 2.6. бандлардан ташқари)	куб метр	1 500	1 500	1 800	
2.2.	«Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ, «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ, «Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек, бюджет ташкилотлари учун		1 800	1 800	2 000	
2.3.	Автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчалари (шу жумладан, балансда автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчалари мавжуд бўлган юридик шахслар) учун		1 500	1 800	2 500	
2.4.	Иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказлари учун		1 500	1 500	1 800	
2.5.	Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига (газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда): а) ноябрь-февраль ойлари давомида бир ойдаги истеъмолдан келиб чиқиб: ойига 500 куб метргача; ойига 501 куб метрдан 2 500 куб метргача; ойига 2 501 куб метрдан 5 000 куб метргача; ойига 5 001 куб метрдан 10 000 куб метргача; ойига 10 001 куб метр ва ундан юқори.	куб метр	650	650	1 000	
			1 500	1 500	1 800	
2.6.	Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига (газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлмаганда): а) овқат тайёрлаш ва иссиқ сув таъминоти учун б) иситиш учун		1 500	1 500	1 800	
			1 100	1 100	1 400	
III.	Маиший эҳтиёжлар учун аҳолига сотиладиган суюлтирилган газ	кг.	1 600	1 600	2 000	

Вниманию населения и оптовых потребителей природного газа!

Выписка из приложения № 1

постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 16 апреля 2024 года № 204

«О дополнительных мерах по внедрению рыночных механизмов в топливно-энергетическую сферу» ГРАФИК

п/п	Название потребителей	Единица измерения	Цены за единицу измерения (С учетом НДС, сўм)		
			с 1 мая 2024 года	с 1 июня 2024 года	с 1 апреля 2025 года
II.	Природный газ				
2.1.	Для всех потребителей (кроме пунктов 2.2. – 2.6.)	Куб. метров	1 500	1 500	1 800
2.2.	Для АО «Алмаликский ГМК», АО «Навоийский ГМК», АО «Узметкомбинат» и входящих в их состав производственных предприятий, а также для бюджетных организаций		1 800	1 800	2 000
2.3.	Для автомобильных газозаправочных компрессорных станций (в том числе, юридических лиц, имеющих на балансе компрессорные станции)		1 500	1 800	2 500
2.4.	Для тепловых электростанций и тепловых электрических центров		1 500	1 500	1 800
2.5.	Для жилищно-коммунальных потребностей населения (в случаях наличия газовых счетчиков): а) исходя из объемов потребления за один месяц за период ноябрь-февраль: от 500 куб. метров за месяц; от 501 куб. метра до 2 500 куб. метров; от 2 501 куб. метров до 5 000 куб. метров; от 5 001 куб. метра до 10 000 куб. метров; от 10 001 куб. метра и более.	Куб. метров	650	650	1 000
			1 500	1 500	1 800
2.6.	Для жилищно-коммунальных потребностей населения (в случаях отсутствия газовых счетчиков): а) для приготовления пищи и теплоснабжения б) для отопления		1 500	1 500	1 800
			1 100	1 100	1 400
III.	Сжиженный газ для удовлетворения бытовых нужд населения	кг.	1 600	1 600	2 000

